

### Бир пой оёқ кийимда юришдан қайтарғанлари:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилған муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз бир пой оёқ кийимда юрмасин, ё иккаласини ҳам кийсин ё иккаласини ҳам ечиб қўйсин», дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз оёқ кийимининг боғичи узилса, уни тўғрилаб олмагунича иккинчи пойининг ўзи билан юрмасин», деганлар.

### Азоб тушган диёрларга киришни тақиқлаганлари:

Ибн Умар : Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз оёқ кийимининг боғичи узилса, уни тўғрилаб олмагунича иккинчи пойининг ўзи билан юрмасин», деганлар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо



шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Солиҳ алайҳис-саломнинг диёри бўлган) Ҳижрдан ўтганларида: «Ўзларига зулм қилган қавмлар диёрига фақат йиғлаган ҳолатдагина киринглар, токи уларга етган азоб сизларга ҳам етиб қолмасин» деб, маркаблари устида турган ҳолда чопонлари билан юзларини ўраб олдилар.

## **Олов билан азоблашдан таъқиқлаганлари:**

□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□□□□ □□□□» : □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□  
□□□□□□□□ □□□□) «□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□).

Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олов билан фақат Аллоҳ таоло азоблайди», дедилар.

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг азоби (яъни, ўтда куйдириш) билан азобламанглар», дедилар.

Шарх:

Шариатимиз бизларни айрим ишлардан қайтарганки, бунинг ҳикмати ва манфаатларидан баъзисини биламиз, кўпини билмаймиз. Бироқ мусулмон киши бунинг остида бўлган ҳикматини билгани учун эмас, балки Аллоҳ ва Расулига бўйсунгани учун бу тақиқларга амал қиласи. Зоро, шариатда бирон буйруқ ёки қайтариш келган бўлса дарҳол



бўйсуниш вожиб, чунки Аллоҳ таоло Ахзоб сурасининг 36-оятида шундай дейди: «**Аллоҳ ва унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буорган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини кўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас у очик йўлдан озибди».**

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Бир пой оёқ кийим билан юриш макруҳ.
2. Солиҳ алайҳис-саломнинг диёрига ўхшаш азоб тушган диёrlарга кириш мумкин эмас, аммо шундай ўриндан ўтиш зарур бўлиб қолса, ибрат олган ҳолда, йиғлаб ўтилади.
3. Олов билан азоблаб бўлмайди.